

**Жадидлар мусаввири Жунайдуллоххўжа ўғли Ибрат**

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти Давлат музейи илмий*

*ходимми : Ш.Аҳмаджанова*

Исҳоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибратнинг ҳаёти ва ижоди, унинг тарихий-илмий мероси, архиви ва кутубхонаси, жадид мактаби, нашриёти алоҳида бир тарих. Ибратнинг ижодига оид мақолалар, рисоалар пайдо бўлгунига қадар, у ҳақда XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигига оид ўзи томонидан қолдирилган тарихий-илмий, лингвистик, педагогик, шеърий асарлари, вақтли матбуотда эълон қилган мақолалари, унинг қаламига мансуб қўлёзма ҳолида сақланиб қолган ҳамда замондошлари, қариндошлари томонидан ёзиб қолдирилган манбалар дастлабки манбалар ҳисобланади<sup>1</sup>. Бизгача етиб келган, муаррих томонидан 1916 йилда ёзилган «Тарихи Фарғона»<sup>2</sup> асари унинг ҳаёти ва фаолиятининг дастлабки даврлари ҳақида мукамал маълумот берувчи манбадир. Асарнинг «Муқаддима» қисмида у Туркистон иқлимига қарашли Фарғона водийси Қўқон хонлиги қасабодларидан бири Тўрақўрғонда туғилганлигини туғилганлигини ёзиб қолдирган. Бу маълумотлар унинг 1905 йил «Туркистон вилоятининг газити»да эълон қилинган «Тарихи ҳаммом» шеърида, «Илми Ибрат» номли 1909 йилда ёзган шеърий тўпламида берилган. Ибратнинг туғилган жойи ва таваллуд йили ҳақидаги маълумотлар кейинчалик даврий манбаларда тилга олинади.

Замондошларидан бири Пўлатжон Домулло Қаюмовнинг 1960 йилга қадар ёзилган ва ўғиллари томонидан 1998 йилда чоп этилган «Газкираи Қаюмий» асарида Ибрат туғилган 1862 йил санаси 1876 йил деб, янглиш

---

<sup>1</sup> Ибрат И. Турли марсия ва фикриёт масалаларига оид жамланган туркум қўлёзмалар. Бу қўлёзмалар шахсий кутубхоналарда, Ибрат авлодлари архивларида сақланади.

<sup>2</sup> Ибрат И. Тарихи Фарғона. ЎзР ФА ШИ. Қ, инв. 11616. -Б.1.

кўрсатилади. Шунга карамай, Ибратни фарғоналик олимлар каторида тазкирага киритилганлиги эътиборга лойиқ.

«Илми Ибрат» шеърий тўпламида берилишича, олимнинг асли исми Исҳоқхон, отасининг исми Жунайдуллоххўжа, Ибрат эса унинг таҳаллусидир. П.Д.Қаюмов маълумотига кўра, Ибрат тўралар авлодидан бўлиб, «Умархон даврида бўлмиш машҳур шоир Афсуснинг набирасидир»<sup>3</sup>. Тазкиранинг Васфийга бағишланган қисмида /Бухоролик Васфий эмаслиги П.Д. Қаюмов томонидан аниқланган/ унинг Исҳоқхонга қариндош бўлганлиги, Ибратнинг Васфий ҳақидаги марсияси борлиги таъкидланади. Бу марсия бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади<sup>4</sup>.

Манбаларда кўрсатилишича, Ибрат шажара жиҳатидан Аҳмад Яссавий авлодларидан ҳисобланади. Бунга унинг авлодлари қўлида сақланиб қолган «Насабнома»си далил бўла олади<sup>5</sup>. Унда келтирилишича: «Жунайдуллоххўжа шубҳасиз ворисдир, такводор Саид Олим Султонхўжа Аҳмад Яссавийнинг авлодларидандур»<sup>6</sup> - деб ёзилган.

Авлодлари қўлида сақланиб қолган ёдгорликда Аҳмад Яссавийдан то Ибратга қадар шажаралар рўйхати номма-ном келтирилади ҳамда ўз даврининг қозилари томонидан учта муҳр босиб исботланади<sup>7</sup>. Насабноманинг бир қисми «Гувоҳнома» деб номланган иккинчи ҳужжатда Ибратнинг ота-боболари Аҳмад Яссавий авлодларидан эканлиги, уларнинг халқ орасидаги эътиборлари ҳақида маълумот берилиб, бу сўзларга далил сифатида қозилар томонидан 40 дан ортиқ муҳр босилганлигини гувоҳи бўламиниз<sup>8</sup>.

---

<sup>3</sup> Қаюмов П.Д. Тазкираи Қаюмий. II қисм. -Б.420.

<sup>4</sup> Ибрат И. Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари. ЎзР ФА ШИ. Қ. инв. № -11620. -Б.20.

<sup>5</sup> Насабнома (араб тилида). Асл нусхаси Ибратнинг авлодлари қўлида, кўчирма нусхаси қўлимизда сақланади.

<sup>6</sup> Ўша жойда. -Б.2.

<sup>7</sup> Ўша жойда.

<sup>8</sup> Гувоҳнома, Ибрат авлодлари қўлида сақланади, нусхаси қўлимизда сақланади. -Б.1-4.

Ибратнинг шажаралари араб тилида ёзилган бўлиб, арабшунос олим Аҳмад Убайдуллоҳнинг бу борадаги мақолалари муҳим аҳамиятга эга<sup>9</sup>. Жумладан, олим Исҳоқхон Ибрат мазкур шажарада ўз авлодларининг Туркистон томонлардан келиб, Наманган, Тўрақўрғон туманлари худудларида жойлашиб қолганлиги ҳақида муфассал маълумот берганлигини, бу авлод вакиллари ҳазрат Алининг Рум маликаси Биби Ҳанифадан туғилган ўғиллари ҳазрат Имом Муҳаммад Ҳанафияга бориб етиши, шу жиҳатдан улар пайғамбаримиз авлодларига боғланишлари ҳақида маълумот келтирганлигини таъкидлайди<sup>10</sup>. Бинобарин, шажаралар рўйхатидан шу нарса маълум бўладики, Исҳоқхон авлодлари Туркистондан Наманганга XVIII асрнинг иккинчи ярмида келиб ўрнашганлар. Наманган туманига қарашли Муллақудунг қишлоғи чеккасида бир қабристон бўлиб, бу жой аввалда Қозоққўрғон деб аталган. Қабристонда ихчам гумбазли бино бўлиб, бу бино зиёратхона ва чиллахона вазифаларини ўтаб келган. Бино ёнида 300 килога яқин бир қабр тоши бўлиб, унда араб тилидаги маълумотлар қуйидагича берилган: ”Бу қабр яхши хислатлар ва одатлар ҳамда кароматлар эгаси, етук ва комил Шайх Неъматуллоҳ хожи Эшони Туркистонийникидир. У киши ҳижрий 1251 (1835) йилда вафот этдилар. У кишидан сўнг Суннатуллоҳ хожи Эшон ҳижрий 1267 (мелодий -1851) йилда қазо қилдилар. Булар ҳазрат Султон Хожа Аҳмад Яссавий авлодларидандир. Уларга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин. Булардан бошқа яна Неъматуллоҳ хожа авлодларидан бўлган Суннатуллоҳ хожанинг ўғиллари Атоуллоҳ хожа Эшондир”<sup>11</sup>. Бу маълумотлар мазкур қабрда ётган мўтабар зотларнинг бири машҳур аллома Исҳоқхон Ибратнинг катта бобоси, яна бири бобоси ва яна бирлари амакилари эканлигини билдиради.

Ибратнинг фаолиятини ўрганиш давомида унинг оиласи, ота-онаси ҳамда у вояга етган муҳитни тадқиқ қилиш аҳамиятлидир. Ота-онаси

---

<sup>9</sup> Убайдуллоҳ Аҳмад. Хожа Аҳмад Яссавийнинг Наманганлик авлодлари. “Халқ сўзи” газетаси. 2005. 14-сон.

<sup>10</sup> Ўша жойда.

<sup>11</sup> Арабчадан Аҳмад Убайдуллоҳ таржимасидан фойдаланилди.

ҳақидаги маълумотлар унинг «Мезон ул-замон»<sup>12</sup>, «Жоме ул хутут»<sup>13</sup> асарларида, тарих-марсияларда<sup>14</sup> учрайди. Бу манбалар унинг ота-онасигагина тегишли бўлмай, Исҳоқхон ҳаётининг айрим жиҳатларини очиб беришда муҳим ўрин тутди. Жумладан, унинг «Мезон ул-замон», «Жоме ул хутут» асарларида келтирилган маълумотлар бевосита Ибратнинг ёшлик йилларига оид фактларни берса<sup>15</sup>, тарих марсиялари ота-онасининг вафотига оид бўлиб, Ибратнинг шу даврдаги кечинмалари билан боғлиқдир. Бу ҳақда П.Д.Қаюмовнинг тазкирасида Ибратни «...номи Исҳоқхон бўлиб, Жунайдуллоҳхон тўранинг ўғлидир»<sup>16</sup> - деб кўрсатилади.

«Турли марсия ва фикриёт масалалари жамланган қўлёзмалар» тўплами ҳам Ибрат ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Унда кўрсатилишича, Ибратнинг ота-онаси ҳам ўз даврининг илмли инсонларидан бўлган. Шунингдек, улар ўзбек, форс тилларини мукамал билган ва бу тилларда ижод қилганлар. Бироқ, уларнинг ижодига оид фактлар бугунга қадар кам сақланган. Олимнинг онаси томонидан турмуш ўртоғи Жунайдуллоҳхўжа ўлимига бағишлаб ёзилган марсияси тадқиқотчи олим У. Долимовнинг шахсий кутубхонасида сақланиб қолган<sup>17</sup>. Бу марсия Ҳурибиби онанинг ўша пайтдаги аҳволи руҳияси ҳақидагина маълумот бериб қолмай, унинг ўзбек ва форс-тожик классиклари асарларини мутолаа қилган, билимли, оқила аёл бўлганлиги ҳақидаги мулоҳазаларимизнинг далилидир<sup>18</sup>.

---

<sup>12</sup> Ибрат И. Мезон ул-замон. ЎзР ФА ШИ. Қ. № 11618.

<sup>13</sup> Ибрат И. Жоме ул хутут. ЎзР ФА ШИ. Қ. № -621.

<sup>14</sup> Ибрат И. Турли марсия ва фикриёт масалалари. Бу марсиялар Ибратнинг қариндош уруғлари қўлларида, айрим шахслар қўлларида сақланади.

<sup>15</sup> Ибрат И. Мезон ул-замон... -Б. 36-37; Жомеул хутут... -Б.4.

Манбаларда келтирилишича, 1871 йилда Исҳоқхон отаси Жунайдуллоххўжа Суннатуллоххўжа ўғли вафотидан сўнг дастлабки маълумотни онаси Ҳурибидан олган<sup>19</sup>. Бу ҳақдаги «Мезон ул-замон»<sup>20</sup> асарида Ибрат томонидан келтирилган маълумотлар ўша даврдаги Ҳурибиди каби илмли отинбибилар мактабларининг савия жиҳатидан мактабдор домлалар мактабларидан юқори даражада бўлганлигини кўрсатади<sup>21</sup>.

Ҳурибиди она ҳаёти билан боғлиқ манбалар жумласига Ибрат томонидан онасининг вафотига бағишлаб ёзилган марсиясини киритиш мумкин<sup>22</sup>. Марсиянинг аҳамиятли жиҳати шундаки, Ибрат абжад ҳисоби\* билан онасининг вафот йилини тарих қилиб қолдирган<sup>23</sup>. Унга кўра, «Ҳури филмон, деди» мисраси тарихий сана бўлиб, унда олим онасининг вафот этган йили 1891<sup>24</sup> йил эканлиги маълум бўлади. Бу марсия 1994 йилда У. Долимовнинг Исҳоқхон Ибрат номли рисоласида берилган бўлиб, унда муаллиф абжад ҳисобидан фойдаланиб 1309-ҳижрийни, 1891-милодий йилига айлантиради<sup>25</sup>.

Манба фақат унинг онаси вафот этган йилини аниқлаб берувчи бўлиб қолмай, Ибратнинг хорижий Шарққа саёҳатини давом эттиришга туртки бўлган. Ибратнинг набираси Ж.Низомова билан олиб борилган суҳбатда берилган муълумотларга кўра, Ибрат онаси вафотидан сўнг олти ой

---

<sup>19</sup> Қаранг. Иброҳимов М. Тўрақўрғонлик матбаачи//Ҳосил учун. -Тўрақўрғон. 1860. 8 дек; Усмон О. Зулмат ичра нур//Шарқ юлдузи. - 1961. № 1-2. -Б.132; Рус тилининг илк тарғиботчилари. -Т., 1962. -Б.40; Долимов У. /Маърифатпарвар шоир//Наманган ҳақиқати. 1968. 19 июнь; Ибрат Маърифатпарвар олим//Ҳаёт ва адабиёт. ТошДу. -1968. -Б.109; Бобобеков Ҳ. Тарихимизда қонли излар. Ибрат И. Тарихи Фарғона асарига ёзилган сўзбоши. – Т.: Камалак. 1991. -Б.268.

<sup>20</sup> Ибрат И. Мезон ул-замон. ЎзР ФА ШИ, Қ. инв., № 11618. -Б. 36-37.

<sup>21</sup> Ибрат И. Мезон ул-замон. ЎзР ФА ШИ, Қ. инв., № 11618. -Б. 36-37.

<sup>22</sup> Ибрат И. Марсиялар. -Б. 118-119. Қўлёзма У.Долимов шахсий кутубхонасида сақланади.

\* Сон тушунчасини ҳарфлар билан ифода этишга абжад ҳисоби дейилади. Абжад атамасининг махсус бир маъноси йўқ. Р. Жуманиёзов. Эски ўзбек ёзуви. – Т.: Ўқитувчи. 1989. 138-б.

<sup>23</sup> Ўша жойда.

<sup>24</sup> Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Б. 13.

<sup>25</sup> Ибрат И. Марсиялар. Марсия У.Долимов. шахсий кутубхонасида сақланади. (Араб шрифтида). -Б. 118-119.

мобайнида Жидда шаҳрида қолиб кетган ва шундан сўнг Шарқ мамлакатларига саёхатини давом эттиришга қарор қилган. Исҳоқхон томонидан ёзилган, ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берадиган яна бир манба, унинг «Жоме ул хутут»<sup>26</sup> яъни «Хатлар мажмуи» рисоласидир. Унда олимнинг ёшлик даврида меъморликка ихлоси баланд бўлганлиги, нақшнинг турли йўлларини ўрганиш учун узоқ вақт умрини сарфлаганлиги, бунинг натижасида у олами ислом ёзувларини, яъни финикия, сурия, юнон, инглиз хатларини Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрида ўрганганлиги каби маълумотлар берилади<sup>27</sup>.

Бинобарин, асарда Исҳоқхоннинг ёзувларга бўлган иштиёқи ёшликдан эканлиги ҳамда бу меҳр бора-бора истеъдодга айланиб, унинг «Ёзувлар тарихи» рисоласининг ёзилишига олиб келганлигини, бу эса муаллифнинг хаттотгина эмас, наққош сифатида ҳам шуҳрат топишига ўз таъсирини кўрсатганлигини кўраимиз.

Ибратнинг ёшлик йиллари ҳақидаги кейинги маълумотлар У. Долимов ишида<sup>28</sup> ҳамда олимнинг «Исҳоқхон Ибрат»<sup>29</sup> номли рисоласида келтирилади. Ишдаги мулоҳазалар масалага ёндошишнинг коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган совет тузумидаги бирёқлама қарашлардан холи эмаслигини кўрсатсада, бу икки асар Ибрат ҳақида маълумот берувчи манба сифатида ўз аҳамиятига эга.

Тарихдан маълумки, мадрасаларда таълим олган олимлар қадимдан фаннинг бир неча соҳасида иш юритганлар. XIX асрнинг сўнгги чорагида Қўқонда яшаб ижод этган илм аҳллари ҳам масжид ва мадрасаларда таҳсил олганлар. Ибрат ҳам ўз навбатида онаси Ҳурибиби мактабида мукаммал саводга эга бўлгач, ўқишини давом эттириш мақсадида Қўқоннинг Сиддик

---

<sup>26</sup> Ибрат И. Жоме ул хутуг. Матбааи Исҳоқия. Наманган. 1912. ЎзР ФА ШИ, Қ. фонди. Инв. № -621.

<sup>27</sup> Ибрат И. Жоме ул хутуг... Б. 4-5.

<sup>28</sup> Долимов У. Жизнь и творчество узбекского поэта, просветителя Ибрата. Автореф. дисс. канд. фил. наук. -Т., 1971. -С.26.

<sup>29</sup> Ўша муаллиф. Исҳоқхон Ибрат. -Т., 1994. -Б.1-17.

Тунқатор мадрасасида ўқийди. Бу ҳақда Пўлатжон Домулло Қаюмов «Тазкираи Қаюмий» асарида Исҳоқхон Қўқон мадрасаларидан бирида таҳсил олган<sup>30</sup>, - деган маълумотни келтиради. Кейинчалик даврий матбуотларда ҳам айнан шу фикр қисман ўзгартиришлар билан берилади.<sup>31</sup> Тўлиқроқ маълумот эса У. Долимов ва З.Қобуловлар ҳамкорликда эълон қилган «Эрк ва маърифат куйчилари» ҳамда У. Долимовнинг «Исҳоқхон Ибрат» номли рисоласида келтирилади. Исҳоқхон ўз устида кўп ишлаган, мадрасада берилган сабоқларни, шарқ классиклари асарларини кунт билан ўрганади<sup>32</sup>.

Ибратнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, унинг ҳам диний, ҳам дунёвий жиҳатдан мукаммал билим олган забардаст олим сифатида шаклланишида оила мактаби, олий таълим мадрасасида олган таълим ва тарбияси муҳим роль ўйнайди. Мадрасада у араб тили грамматикаси, нотиклик санъати, тарих ва Қуръонни ўқиш илми, мунозара маданияти, тартиб - интизом, ислом таълимоти, қонуншунослик асослари, фалсафа, мантиқ, астрономия каби табиий фанларни, мусулмончилик одоб-ахлоқи, маданияти, араб ва форс тиллари, бу тилдаги адабиётларни табдил ва тафсир қилиш каби амалларни ўрганади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Узбек коғози. Гулистон журнали 2021й/2.
2. Фан ва турмуш журнали 1999й /3-4.
3. Интернет сайтлаи.
- 4.Архив.уз